

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш
бўйича
ҲИСОБОТ

1.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури, номи ва реквизитлари	Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 мартдаги “Экологик аудит тўғрисида”ги ЎРҚ-678 сон Қонуни
2.	ТСТБни ўтказувчи давлат органи ёки ташкилоти	Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси.
3.	Ваколатли органларнинг хулосалари олинганлиги	Хулоса олиш учун киритилмоқда
4.	Сана	15.07.2026
Тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижалари		
5.	Хулоса Таҳлил натижаларига кўра, “Экологик аудит тўғрисида”ги Қонун экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтиришда самарали ҳуқуқий механизм сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Қонуннинг асосий қоидаларини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур қонунда Экологик аудит ихтиёрий ёки мажбурий шаклда ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Аммо Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилдаги ЎРҚ-800-сон “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 22 моддасига асосан Стандартлар ихтиёрий равишда қўлланилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарорига асосан стандартлар ихтиёрий кучга эга бўлиб Экологик аудит стандартларини ишлаб чиқишда муаммо келтириб чиқмоқда. Бу ўз навбатида ихтиёрий экологик аудит ўтказишга тўғри келади, мажбурий эса назоратдан қолишини англатади. Шунинининг олиб, мазкур тартибга солиш усулини амалда сақлаб қолган ҳолда мавжуд муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва ЎРҚ-800-сон қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд.	
6.	Ҳужжатнинг таъсир доираси Ўзбекистоннинг «Экологик аудит тўғрисида»ги Қонунга кўра, экологик аудит ўтказиш билан боғлиқ асосий субъектлар қуйидагилар: Экологик аудиторлик ташкилоти – экологик аудитни бевосита ўтказувчи юридик шахс. Экологик аудитор – малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс. Экологик аудит буюртмачиси – аудит ўтказиш ташаббуси билан чиқувчи хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, иштирокчилари ёки акциядорлари.	

7.	Ҳужжатнинг натижадорлиги ва самарадорлиги Ҳозирги пайтда экологик аудит хизматларини кўрсатувчи ихтисослашган аудиторлик ташкилотлари ташкил этилмаётганлиги оқибатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг экологик талабларга риоя этишини мустақил баҳолаш амалиёти етарлича шаклланмаган. Бу эса, экологик аудит институтини амалиётга тўлиқ жорий этиш ва унинг самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатади.
8.	Ҳужжатнинг ижобий ва салбий оқибатлари Иқтисодий томондан: Экологик аудит тизими амалда самарали ишламаётгани сабабли “яшил иқтисодиёт” ривожланишига етарли даражада туртки берилмаяпти, бу эса экологик тоза технологиялар ва барқарор ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш суръатларининг секинлашишига олиб келмоқда. Шунингдек, экологик муаммолар дастлабки босқичда бартараф этилмайдиган тақдирда, вақт ўтиши билан катта ҳажмдаги иқтисодий зарарга айланади. Бундай шароитда корхона учун харажатлар профилактикага эмас, балки фавқулодда ҳолатларни бартараф этишга, авария оқибатларини тугатишга ва жарималарни тўлашга сарфланади. Экологик томондан: Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини мустақил ва тизимли баҳолаш механизми мавжуд эмаслиги сабабли экологик хавфлар ўз вақтида аниқланмаяпти ва бартараф этилмаяпти. Хусусан: 1. Корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирини вақтида баҳоламаслик биринчи навбатда, ҳаво сифатига салбий таъсир қилишига олиб келиши мумкин. 2. Агар экологик муаммолар ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилмаса, ифлосланишнинг салбий таъсири йиллар давомида тўпланиб, атроф-муҳитга етказиладиган зарар кўлами ортиб боради. Натижада ер ости сувлари ва тупроқ қатламларининг ифлосланиши чуқурлашиб, уларни қайта тиклаш узок муддат ва катта молиявий ресурсларни талаб этади.

Мазкур ҳисоботнинг тўғрилиги ва маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман.

Давлат органи (ташкilotи) раҳбари _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижаларига оид МАЪЛУМОТЛАР

1. Тартибга солиш усулининг таъсир доираси

Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари жадал иқтисодий ривожланиш шароитида алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Саноатлашув жараёнларининг фаоллашуви, барча тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши ва ресурслардан фойдаланиш кўламининг кенгайиши натижасида экологик юклама ортиб, атроф-муҳитга салбий таъсирлар ва экологик хавфлар кўлами кенгаймоқда. Мазкур ҳолат экологик хавфларни барвақт аниқлаш ва уларни самарали бошқаришга қаратилган замонавий механизмларни жорий этиш заруратини тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, экологик аудит хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини мустақил ва ҳолис баҳолашга хизмат қилувчи муҳим ҳуқуқий ва институционал инструмент ҳисобланади.

У орқали экологик қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш, мавжуд муаммолар эрта аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш имконини беради.

Шу билан бирга, экологик аудит корхоналардаги экологик хавфларнинг олдини олишга хизмат қилиб, давлат назорати органларига тушаётган юкламани қисқартириш ва умумий тартибга солиш самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Ўзбекистоннинг «Экологик аудит тўғрисида»ги Қонунга кўра, экологик аудит ўтказиш билан боғлиқ асосий субъектлар қуйидагилар:

- Экологик аудиторлик ташкилоти – экологик аудитни бевосита ўтказувчи юридик шахс.
- Экологик аудитор – малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс.
- Экологик аудит буюртмачиси – аудит ўтказиш ташаббуси билан чиқувчи хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, иштирокчилари ёки акциядорлари.

Экологик аудит ташкилоти ўз фаолиятини мустақил равишда амалга оширади. Улар экологик аудит хизматини кўрсатиш учун фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисига эга бўлиши шарт. Уларнинг ёки ходимларининг мустақил аудит ўтказишига тўсқинлик қилиш ёки таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди. Давлат мансабдорлари ва тадбиркорлик билан шуғулланиши тақиқланган шахслар бундай ташкилот муассиси бўла олмайди. Экологик аудиторлик ташкилоти акциядорлик жамиятидан ташқари ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин ва унга асосий иш жойи шу ташкилот бўлган экологик аудитор раҳбарлик қилади.

2. Тартибга солиш усулининг натижадорлиги кўрсаткичлари

1) Экологик аудит институтининг амалиётга тўлиқ жорий этилмаганлигини фақат қонун нормаларининг декларатив хусусиятга эга эканлиги билан изоҳлаш тўғри эмас. Экологик аудитни амалиётга татбиқ этиш нафақат қонуннинг мавжудлигига, балки ушбу фаолиятни амалга оширувчи бозор субъектлари, услубий ҳужжатлар ва иқтисодий талабнинг шаклланишига ҳам бевосита боғлиқдир. Экологик аудит соҳаси мамлакатимиз учун нисбатан янги институт бўлиб, унинг тўлиқ ишлаши учун зарур институционал ва ташкилий инфратузилмани босқичма-босқич шакллантириш талаб этилади.

Экологик аудиторлар корпуси ва экологик аудит ташкилотларининг ҳали шаклланмаганлиги қонуннинг самарасизлигини эмас, балки амалий механизмларни такомиллаштириш заруратини англатади. Мазкур йўналишда ваколатли давлат органлари томонидан экологик аудиторларни тайёрлаш, уларни сертификатлаш, экологик аудит ташкилотларини ташкил этиш ҳамда фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда амалий механизмларни такомиллаштириш, аудиторларни тайёрлаш ва сертификатлаш тизимини ривожлантириш ҳамда экологик аудит хизматлари бозорини шакллантириш бўйича ишларни жадаллаштириш қонуннинг тартибга солиш таъсирини тўлиқ намоён этишга хизмат қилади.

Маълумот учун: Ҳозирда 55 нафар экологик аудиторлар ўқитилиб тайёрланди ва тегишли дипломлар берилди.

2) Экологик аудит фаолиятига қўйилган талаблар ортиқча маъмурий юклама яратиш мақсадида эмас, балки экологик аудит хизматларининг сифати, ҳолислиги ва ишончилигини таъминлашга қаратилган.

Экологик аудит экологик хавфсизлик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муҳим фаолият тури ҳисобланади. Шу боис ушбу соҳада фаолият юритувчи ташкилотларнинг етарли малакага эга мутахассислар билан таъминланган бўлиши аудит натижаларининг сифатини ва ҳулосаларининг ишончилигини кафолатлайди. Камида тўрт нафар малакали экологик аудиторга эга бўлиш талаби аудит ишларини комплекс равишда амалга ошириш, турли йўналишдаги экспертиза ва ички сифат назоратини таъминлашга хизмат қилади.

Моддий-техник базага қўйилган талаблар экологик аудитни замонавий усуллар асосида, зарур техник воситалар ва ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда сифатли амалга ошириш учун белгиланган. Ушбу талаблар экологик аудит хизматлари сифатини таъминлашга хизмат қилади ҳамда уларни ортиқча маъмурий тўсиқ сифатида баҳолаб бўлмайди.

Амалдаги талаблар экологик аудит хизматлари бозорининг ривожланиш динамикаси, тадбиркорлик субъектларининг имкониятлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили асосида мунтазам қайта кўриб чиқирилиши мумкин. Бироқ амалдаги талабларнинг ўзи бозорга киришни сунъий равишда чеклашга эмас, балки экологик аудит хизматларининг профессионал даражада

ва белгиланган стандартларга мувофиқ амалга оширилишини таъминлашга қаратилган.

3) Экологик аудиторлар ва экологик аудит ташкилотлари реестри амалда шакллантирилмаганлиги ҳолатига асосланган бўлса-да, ушбу ҳолатни қонунчиликдаги тартибга солиш механизмининг камчилиги сифатида баҳолаш тўлиқ асосли эмас. Экологик аудиторлар ҳамда экологик аудит ташкилотлари реестрини юритиш амалиётда экологик аудиторлар ва экологик аудит ташкилотлари шаклланганидан сўнг амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий жараён ҳисобланади. Ҳозирги кунда мазкур фаолият субъектлари амалда шаклланмаганлиги сабабли реестрнинг мавжуд эмаслиги унинг ҳуқуқий институт сифатида самарасизлигини англатмайди.

Реестр экологик аудит фаолиятини бошлашнинг эмас, балки уни ҳисобга олиш, мониторинг қилиш ва ахборотнинг очиқлигини таъминлашнинг воситаси ҳисобланади. Шу сабабли реестрнинг шакллантирилмаганлиги экологик аудит институтининг ҳуқуқий асосларига эмас, балки ушбу институтни амалиётга босқичма-босқич жорий этиш жараёнига боғлиқ.

Экологик аудиторлар ва экологик аудит ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилиши билан уларни давлат реестрига киритиш, реестрни электрон шаклда юритиш ҳамда манфаатдор шахслар учун очиқ ахборот тизимини яратиш имконияти юзага келади. Бу эса фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш, субъектларни ҳисобга олиш ва ваколатли орган томонидан назорат функцияларини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Реестрнинг ҳозирча шакллантирилмаганлиги қонунчиликдаги ҳуқуқий механизмларнинг номукамаллигини эмас, балки экологик аудит институтини амалиётга тўлиқ жорий этиш жараёни ҳали якунланмаганлигини кўрсатади. Мазкур йўналишда экологик аудиторларни сертификатлаш, экологик аудит ташкилотларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини рақамли реестр орқали ҳисобга олиш механизмларини изчил жорий этиш ушбу масалани амалий жиҳатдан ҳал этишга хизмат қилади.

4) Қонунчиликда атроф-муҳитга сезиларли таъсир кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун экологик аудит ўтказиш мажбурийлиги белгиланган бўлиб, мазкур норма экологик хавфи юқори бўлган фаолият турларини назорат қилишнинг ҳуқуқий асосини яратади. Бундай субъектларнинг аниқ рўйхатини қонун даражасида белгилаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш технологиялари ва экологик хавф даражаси вақт ўтиши билан ўзгариб боради.

Экологик хавфи юқори бўлган корхоналарни аниқлаш мезонлари ва уларнинг рўйхатини шакллантириш қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса илмий-техник тараққиёт, халқаро стандартлар ҳамда экологик хавф даражасидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда тегишли мезонларни тезкор равишда янгилаб бориш имконини беради.

Амалда экологик хавф даражасини белгилашда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш, экологик экспертиза, чиқиндилар ҳосил бўлиши, ифлослантирувчи моддалар эмиссияси, ресурслардан фойдаланиш ҳажми ва бошқа экологик кўрсаткичлар асос қилиб олинади. Шунинг учун мажбурий

экологик аудит субъектларини аниқлаш қатъий рўйхатдан кўра, белгиланган мезонлар асосида амалга оширилиши янада самарали ва мослашувчан ҳуқуқий механизм ҳисобланади.

Мажбурий экологик аудит ўтказиладиган субъектларнинг алоҳида рўйхати мавжуд эмаслиги қонун нормасининг қўлланилмаслигини англатмайди. Аксинча, мазкур масала қонун ости ҳужжатларида экологик хавф мезонларини ҳамда уларга мувофиқ субъектларни аниқлаш тартибини белгилаш орқали ҳал этилиши мумкин. Бу эса ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини сақлаб қолган ҳолда, амалиётда экологик аудитни самарали ташкил этиш имконини беради.

5) Экологик аудитни ўтказиш тартиби, унинг босқичлари, баҳолаш мезонлари ҳамда якуний ҳужжатлар шакллари батафсил белгилаш қонун даражасида эмас, балки ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солувчи ҳужжатлар орқали амалга оширилиши ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётида кенг қўлланиладиган ёндашув ҳисобланади. Чунки мазкур масалалар ўзининг техник ва услубий хусусиятига кўра мунтазам такомиллаштириб борилиши лозим.

Экологик аудит методологияси халқаро стандартлар, замонавий экологик талаблар, ишлаб чиқариш технологияларининг ривожланиши ҳамда атроф-муҳитни бошқариш тизимларидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда доимий равишда янгиланиб боради. Шу сабабли ушбу масалаларни қатъий қонун нормалари билан эмас, балки мослашувчан норматив-услубий ҳужжатлар орқали тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ягона давлат стандарти ёки методиканинг ҳозирча тасдиқланмаганлиги экологик аудит институтининг ҳуқуқий жиҳатдан мавжуд эмаслигини ёки қонун нормаларининг амал қилмаслигини англатмайди. Аксинча, бу экологик аудит институтини амалиётга тўлиқ жорий этиш жараёнида ишлаб чиқирилиши лозим бўлган услубий таъминот масаласидир. Мазкур ҳужжатларнинг ишлаб чиқирилиши қонунда белгиланган ҳуқуқий нормаларнинг изчил ва бир хил қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

6) Экологик аудит давлат экологик назорати ёки текширувининг муқобили эмас, балки хўжалик юритувчи субъектнинг экологик фаолиятини мустақил ва профессионал баҳолашга қаратилган превентив механизм ҳисобланади. Экологик аудитнинг асосий вазифаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги хавф ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда субъектнинг экологик фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Экологик аудит якунлари бўйича аниқланган ҳолатларни бартараф этиш мажбурияти экологик аудитнинг ўзидан эмас, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқади. Аудит давомида аниқланган қонун бузилишлари тегишли давлат назорати органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқирилиши ва қонунчиликда белгиланган тартибда таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Шу сабабли қонун бузилишларини бартараф этишни таъминлаш механизми экологик аудит институтидан ташқарида мавжуд бўлган давлат экологик назорати тизими билан узвий боғлиқ.

Экологик аудит натижаларини амалга ошириш ва уларнинг ижросини мониторинг қилиш тартибини янада батафсил белгилаш қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солиниши мумкин. Бундай ёндашув аудит натижаларини ҳисобга олиш, тавсиялар ижроси мониторингини юритиш ҳамда зарурат туғилганда ваколатли органларга ахборот тақдим этиш механизмларини ҳуқуқни қўллаш амалиёти эҳтиёжларидан келиб чиқиб такомиллаштириш имконини беради.

Экологик аудит натижаларини амалга ошириш механизмларини янада аниқлаштириш зарурати мавжуд бўлиши мумкин, бироқ бу ҳолат экологик аудит институтининг самарасизлигини ёки унинг амалий аҳамияти йўқлигини аниқлатмайди. Аксинча, экологик аудит экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг экологик масъулиятини ошириш ҳамда экологик хавфларни камайитиришга хизмат қилувчи муҳим профилактик восита бўлиб, унинг самарадорлиги давлат экологик назорати тизими ва бошқа ҳуқуқий механизмлар билан уйғун ҳолда таъминланади.

7) Экологик аудит жараёнларини рақамлаштириш ҳамда аудит натижаларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва мониторинг юритиш учун ягона ахборот тизимини яратиш ташкилий ва технологик хусусиятга эга масала бўлиб, у экологик аудит институтининг ҳуқуқий асосларидан алоҳида йўналиш ҳисобланади. Бундай ахборот тизимларини яратиш ва жорий этиш босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён бўлиб, у молиявий, техник ва институционал имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Экологик аудиторлар корпуси ва экологик аудит ташкилотлари фаолияти ҳали тўлиқ шаклланмаган шароитда ягона электрон ахборот тизимини тўлиқ функционал ҳолатда жорий этиш амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Ахборот тизимининг самарали ишлаши, аввало, аудит субъектлари, аудит жараёнлари ва уларнинг натижалари бўйича етарли ҳажмдаги маълумотлар базаси шаклланишидан сўнг тўлиқ таъминланади.

Аудит натижаларини электрон шаклда юритиш, уларни таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш механизмларини жорий этиш қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ваколатли давлат органларининг ахборот тизимларини ривожлантириш дастурлари доирасида босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Мазкур масалаларни технологик ечимлар ривожланиши ва амалий эҳтиёжлардан келиб чиқиб такомиллаштириш янада самарали натижа беради.

Ягона ахборот тизимининг тўлиқ жорий этилмаганлиги экологик аудит тўғрисидаги қонунчиликнинг камчилиги эмас, балки ушбу институтни амалиётга татбиқ этиш ва рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Келгусида экологик аудит соҳасини рақамлаштириш, электрон реестрларни юритиш, аудит натижаларини автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олиш ҳамда таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш экологик бошқарув самарадорлигини ошириш ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қилади.

8) Юридик жавобгарлик чораларини белгилаш ҳуқуқий аниқлик, мутаносиблик ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилади. Шу боис мажбурий экологик аудитни ўтказмаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш экологик аудитни тартибга солувчи қонуннинг ўзида

эмас, балки маъмурий ёки бошқа турдаги жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланиши ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётида қабул қилинган ёндашув ҳисобланади.

Экологик аудитнинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектларни жазолаш эмас, балки уларнинг экологик фаолиятини мустақил баҳолаш, экологик хавфларни барвақт аниқлаш ва қонунбузилишларнинг олдини олишдан иборат. Шу сабабли мазкур институтнинг самарадорлиги фақат жавобгарлик чораларининг мавжудлиги билан эмас, балки унинг профилактик, маслаҳат берувчи ва бошқарув қарорларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи функциялари билан ҳам белгиланади.

Мажбурий экологик аудит талабларига риоя этилишини таъминлаш механизмларини янада кучайтириш, жумладан, аудитни ўтказмаслик оқибатларини ва тегишли жавобгарлик чораларини амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик билан ўзаро уйғунлаштириш масаласи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш жараёнида кўриб чиқилиши мумкин. Бироқ бундай нормаларнинг алоҳида ишлаб чиқилиши зарурати экологик аудит тўғрисидаги қонуннинг ҳуқуқий асослари етарли эмаслигини англатмайди.

Жавобгарлик чораларининг алоҳида ҳуқуқий механизмлар орқали тартибга солиниши қонунчилик тизимининг изчиллигини таъминлайди ҳамда экологик аудит институтининг мақсад ва вазифаларига мос келади. Заруриятга кўра, мажбурий экологик аудитни ўтказмаслик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни тегишли жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига киритиш экологик аудит талабларининг ижросини янада кучайтиришга хизмат қилиши мумкин.

9) Экологик аудиторларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш экологик аудит фаолиятининг ташкилий-таъминот механизмларидан бири ҳисобланади. Мазкур масалалар, одатда, қонун даражасида батафсил тартибга солинмайди, балки ваколатли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, касбий стандартлар, малака талаблари ҳамда таълим дастурлари орқали босқичма-босқич шакллантирилади.

Маълумот учун: Ҳозирда 55 нафар экологик аудиторлар ўқитилиб тайёрланди ва тегишли дипломлар берилди.

Экологик аудит нисбатан янги фаолият йўналиши бўлганлиги сабабли ушбу соҳада ягона ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, малака ошириш тизимини йўлга қўйиш ва узлуксиз касбий ривожланиш механизмларини жорий этиш амалиёт ривожланиши билан узвий боғлиқ жараён ҳисобланади. Бундай механизмларнинг босқичма-босқич шакллантирилиши халқаро тажрибада ҳам қўлланиладиган ёндашувдир.

Даврий қайта сертификатлаш, узлуксиз касбий ривожланиш (Continuous Professional Development – CPD) ҳамда стандартлаштирилган ўқув дастурларини жорий этиш экологик аудит хизматлари сифатини оширишга хизмат қиладиган муҳим институтлар ҳисобланади. Бироқ уларнинг алоҳида тартибга солинмаганлиги экологик аудит тўғрисидаги қонуннинг ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслигини англатмайди. Аксинча, мазкур масалалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланадиган малака талаблари,

сертификатлаш тартиби ва касбий стандартлар орқали тартибга солиниши ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётига тўлиқ мос келади.

Экологик аудиторларни тайёрлаш ва уларнинг касбий малакасини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳолат экологик аудит институтининг ҳуқуқий асослари самарасизлигини эмас, балки унинг институционал ривожланишининг навбатдаги босқичини ифодалайди. Келгусида ягона ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, узлуксиз касбий ривожланиш тизимини жорий этиш ҳамда даврий қайта сертификатлаш механизмларини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш экологик аудит хизматлари сифатини ва ушбу институтнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамаси 402-сонли қарори билан тасдиқланган низомга кўра, малака имтиҳони камида уч нафар талабгордан иборат гуруҳ шакллансагина ўтказилади.

Аммо ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) маълумотларига кўра, қонун (шу жумладан, унга тааллуқли 402-сонли қарори билан тасдиқланган низоми) қабул қилинганидан ҳозирги вақтгача “**Электрон ҳукумат**” тизимига интеграция ишлари тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли талабгорларнинг иш стажини ҳамда дипломлари ҳақида маълумотларни олишда қийинчиликлар вужудга келмоқда, бу эса экологик аудитор сифатида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатни беришда муаммоларни келтириб чиқмоқда.

Мазкур ҳолатнинг юзага келиш сабабларини таҳлил қилиш унинг комплекс хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Қонунга кўра, атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш хавфи кам бўлган (локал таъсирга эга) экологик аудит субъектларининг фаолиятига нисбатан экологик аудит ихтиёрий, юқори ва ўртача таъсир кўрсатиш хавфига эга бўлган экологик аудит субъектлари ҳар йилги мажбурий экологик аудитдан ўтказилиши лозим.

*“Экологик аудит тўғрисида”ги Қонун 8-моддасига кўра, атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш хавфи даражаси бўйича **фаолият турларининг рўйхати** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.*

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги 27 декабрдаги ЎРҚ-363-сон “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунининг 20, 21 моддаларига асосан давлат экологик экспертизаси ва экологик аудит натижалари бўйича хулоса тузиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда қабул қилинган 286-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 20-иловасида келтирилганидек давлат экологик экспертизаси хулосаси; экологик аудит материаллари;

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йилдаги 24 февралдаги ЎРҚ-1034-сон “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги Қонунининг 4, 8 ва 11 моддаларига

асосан Давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши мажбурий бўлган объектлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йилда қабул қилинган 234-сонли қарорининг

1-иловасида давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши мажбурий бўлган атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган фаолият турлари ва объектлар рўйхати белгиланган.

Аудитни ўтказиш тартиби, унинг ташкилий босқичлари ҳамда аниқ текширув предмети юзасидан ўз ичида олган ҳолда мажбурий ва ихтиёрий аудит ўтказиш тартиб ва мезонларни ягона давлат стандартлари лойиҳаси ишлаб чиқилган ва ҳозирги вақтда Ўзбекистон стандартлар институтига тақдим этилган, аммо Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилдаги ЎРҚ-800-сон “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 22 моддасига асосан **Стандартлар ихтиёрий равишда қўлланилади**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарорига асосан стандартлар ихтиёрий кучга эга бўлиб Экологик аудит стандартларини ишлаб чиқишда муаммо келтириб чиқмоқда. Бу ўз навбатида ихтиёрий экологик аудит ўтказишга тўғри келади, мажбурий эса назоратдан қолишини англатади. Шунини инобатга олиб, мазкур тартибга солиш усулини амалда сақлаб қолган ҳолда мавжуд муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва ЎРҚ-800-сон қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд.

Ягона порталнинг ариза бериш қисмида хизмат кўрсатувчи ташкилот ва унинг алоқа контактлари тўғрисида нотўғри маълумотлар киритилган мазкур маълумотлар тўғирланади, ваколатли орган томондан ўзгартиришлар киритилмоқда. Натижада кўрсатилган камчиликлар бартараф этилади.

3. Тартибга солиш усулининг ижобий ва салбий оқибатлари

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг сақланиб қолиши қатор салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Иқтисодий томондан:

Экологик аудит тизими амалда самарали ишламаётгани сабабли “яшил иқтисодиёт” ривожланишига етарли даражада туртки берилмаяпти, бу эса экологик тоза технологиялар ва барқарор ишлаб чиқариш усуллари жорий этиш суръатларининг секинлашишига олиб келмоқда.

Шунингдек, экологик муаммолар дастлабки босқичда бартараф этилмайдиган тақдирда, вақт ўтиши билан катта ҳажмдаги иқтисодий зарарга айланади. Бундай шароитда корхона учун харажатлар профилактикага эмас, балки фавқулодда ҳолатларни бартараф этишга, авария оқибатларини тугатишга ва жарималарни тўлашга сарфланади.

Экологик аудит ўтказилмайдиган иқтисодиётда корхоналар ўз фаолияти натижасида табиатга етказилаётган зарарнинг тўлиқ қийматини ҳисобга олмайди. Шу сабабли, экологик зарардан келиб чиқадиган харажатлар корхонанинг ўзига эмас, балки бошқа солиқ тўловчилар ҳамда давлат зиммасига тушади. Бу эса давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш, сувни тозалаш, ерларни рекультивация қилиш, инфратузилмани таъмирлаш каби қўшимча иқтисодий харажатларни талаб қилади.

Экологик томондан:

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини мустақил ва тизимли баҳолаш механизми мавжуд эмаслиги сабабли экологик хавфлар ўз вақтида аниқланмаяпти ва бартараф этилмаяпти. Хусусан:

1. Корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирини вақтида баҳоламаслик биринчи навбатда, ҳаво сифатига салбий таъсир қилишига олиб келиши мумкин.

Мисол учун, Тошкент шаҳри 2025 йил ноябрь ойида ҳаво сифатининг ёмонлашувига дуч келди. Ҳарорат пасайиши билан ПМ 2,5 майда дисперс заррачаларининг концентрацияси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган меъёрлардан ўнлаб баробар ортиб кетган (миллий стандартдан эса бир неча баробар).

Ҳавонинг ифлосланишига саноат объектларидан ифлослантирувчи моддаларни чиқиши катта ҳисса қўшмоқда. Экологияга зарар етказувчи бундай турдаги корхоналар сони кўплиги улар етказаётган зарари ҳажмига мутаносиб равишда ошиб бормоқда.

Экология миллий қўмитаси томонидан 2025 йил 9 ойида (январ—август) атмосферага зарар етказиш ҳолатлари бўйича 281 та қонунбузарлик аниқланган ва 20 та объект фаолиятини вақтинча тўхтатиш тўғрисида судга ариза киритилган.

2. Агар экологик муаммолар ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилмаса, ифлосланишнинг салбий таъсири йиллар давомида тўпланиб, атроф-муҳитга етказиладиган зарар кўлами ортиб боради. Натижада ер ости сувлари ва тупроқ қатламларининг ифлосланиши чуқурлашиб, уларни қайта тиклаш узок муддат ва катта молиявий ресурсларни талаб этади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати атрофидаги тупроқларда мис (Cu), рух (Zn), қўрғошин (Pb) каби 17 хил металлларнинг концентрацияси юқори. Саноат корхонасининг фаоллашиши натижасида Тошкент, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ ҳудудларида оғир металллар таъсири натижасида экологик ифлосланиш кузатилган¹.

3. Экологик муаммолар маъмурий чегара билмаслигини ҳисобга олиб бир ҳудуддаги назоратсизлик қўшни ҳудудларга ҳам таъсир қилишини инобатга олиш лозим. Ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар шамол орқали юзлаб километрларга тарқалади, ифлосланган дарё сувлари эса бутун бир ҳавзанинг экологик мувозанатини бузади. Бу локал муаммонинг глобал ёки минтақавий экологик муаммога айланишига сабаб бўлади.

Фарғона водийсидаги кимё, нефть-кимё ва металлургия корхоналари (масалан, Қува суперфосфат заводи, Фарғона ва Қўқондаги азотли ўғит комбинатлари) ҳавога азот

¹ <https://ui.adsabs.harvard.edu/abs/2009AcGIS..83..985K/abstract>

диоксиди (NO_2), олтингугурт диоксиди (SO_2) ва кўплаб зарарли заррачалар чиқаради. Саноат чиқиндилари ва етарли тозаланмаган канализация сувлари эса Сирдарёга тушиб, бутун ҳавзанинг экологик ҳолатини ёмонлаштириши ҳолатлари кузатишмоқда.

4. Экологик аудит институтининг ишламаётгани давлат экологик назорати органларига катта юклама тушишига сабаб бўлмоқда, чунки назорат функциялари бозор механизмлари орқали қисман тақсимланмаяпти. Натижада барча текширув ва баҳолаш ишлари асосан давлат органлари зиммасига юкланмоқда.

Экология қўмитаси томонидан 2025 йилда 35 мингдан ортиқ экологик текширувлар ўтказилган.

Агар экологик аудит каби мустақил баҳолаш механизми самарали ишласа, корхоналар фаолиятидаги камчиликлар олдиндан аниқланади, муаммоларнинг бир қисми жойида бартараф этилади ҳамда давлат назорати органларига тушадиган юк сезиларли даражада камаяди.

Ижтимоий томондан:

Экологик муаммоларнинг олди олинмаслиги аҳолининг турмуш тарзига ҳам таъсир қилмоқда.

1. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ҳаво ва сувнинг ифлосланиши нафас йўли, аллергия ва сурункали касалликларнинг кўпайишига олиб келади. Бу эса аҳолининг тиббий харажатлари ортишига ва умр кўриш давомийлигининг қисқаришига сабаб бўлади. Ҳаво ифлосланиши юрак-қон томир касалликлари, нафас йўллари касалликлари, ўпка саратони ва қандли диабет каби касалликларнинг асосий сабабларидан бири.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсульт ва юрак ишемик касалликларидан ўлим ҳолатларининг 31 фоизи ҳаво ифлосланиши билан боғлиқ экани таъкидланган².

2. Вақтида текширилмаслик натижасида чиқиндиларни бошқариш тизимининг издан чиқиши ва очик сув ҳавзаларининг ифлосланиши патоген микроорганизмларнинг кўпайиши учун қулай муҳит яратади. Бу аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг (ич терлама, гепатит, турли хил инфекциялар) тарқалиш хавфини геометрик прогрессияда оширади. Жамиятда санитар осойишталик бузилади, бу эса давлатнинг соғлиқни сақлаш тизимига ортиқча босим тушишига олиб келади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) маълумотларига кўра, ичимлик сувининг ифлосланиши, турли инфекциялар, вирусли гепатит, дизентерия ва бошқа сув орқали юқадиган касалликлар хавфини оширади. Натижада инфекцион касалликлар бўлимлари, санитария-эпидемиология хизмати ва биринчи бўғин тиббий муассасаларига қўшимча юклама тушади³.

²

https://cdn.who.int/media/docs/default-source/country-profiles/environmental-health/environmental-health-uzb-2025.pdf?sfvrsn=513c16b2_4&download=true

³

https://www.oecd.org/en/publications/roadmap-for-sustainable-investment-policy-reforms-in-uzbekistan_20865f29-en/full-report/promoting-green-investment-in-uzbekistan_021bd5e8.html

Экологик аудитни тизимли равишда ўтказиш зарурати, аввало, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш эҳтиёжи билан изоҳланади. Экологик аудитнинг самарали амал қилиши корхоналар томонидан экологик талаблар ва нормативларга риоя этилишини таъминлаб, экологик ҳуқуқбузарликлар, авария ҳолатлари ҳамда улар оқибатида юзага келадиган катта иқтисодий, ижтимоий ва экологик зарарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

4. Тартибга солиш усулининг самарадорлиги (иқтисодий таҳлили)

Манфаатдор томонлар	Тартибга солиш усули	Фойда	Харажат
Экологик аудиторлик ташкилоти	Шартнома асосида экологик аудит ўтказиш, қонунчилик талабларига мувофиқ хулоса бериш	Аудиторлик хизмати учун даромад олади	Мутахассис меҳнати, текширув ўтказиш
Буюртмачи корхона	Ихтиёрий ёки мажбурий экологик аудитга жалб этилиш	Экологик хавфлар камаяди, жарималарнинг олди олинади	Аудиторлик хизмати учун тўлов

Экологик аудитни тартибга солишда асосий манфаатдор томонлар — экологик аудиторлик ташкилоти ва буюртмачи корхона ҳисобланади. Экологик аудиторлик ташкилоти экологик аудитни шартнома асосида, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ равишда ўтказиш ҳамда тегишли хулоса тайёрлайди. Бунинг натижасида ташкилот аудиторлик хизматидан даромад олади, бозордаги нуфузи ва мижозлар сони ортади. Шу билан бирга, аудиторлик ташкилоти мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш, текширув жараёнини ташкил этиш, ҳужжатларни таҳлил қилиш ва транспорт харажатларини қоплашга маблағ сарфлайди.

Масалан, аудит ташкилоти корхонада экологик аудит ўтказиб, 15 млн сўм хизмат ҳақи олади. Ташкилот мутахассислар иш ҳақи, ҳужжат таҳлили ва транспорт учун 10 млн сўм сарфлайди ҳамда 5 млн сўм фойда кўради. Натижада аудиторлик ташкилотининг даромади ошади.

Буюртмачи корхона эса экологик аудитда ихтиёрий ёки қонунчиликка мувофиқ мажбурий тартибда иштирок этади. Аудит ўтказилиши натижасида корхона экологик хавфларни олдиндан аниқлайди, жарима ва ҳуқуқий муаммоларнинг олдини олади, табиий ресурслардан янада самарали фойдаланиш имконига эга бўлади. Бундан ташқари, корхонанинг инвестициявий жозибadorлиги ҳам ошади. Лекин бу жараёнда корхона

аудиторлик хизмати учун ҳақ тўлайди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва экологик талабларга мослашиш учун қўшимча харажат қилади.

Масалан, Navoi Textile экологик аудит учун 5 млн сўм тўлайди. Аудит натижасида корхона чиқинди ва сув сарфидаги муаммоларни аниқлаб, 20 млн сўмлик жариманинг олдини олади ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, экологик аудит аудиторлик ташкилотига даромад ва қўшимча нуфуз келтирса, корхонага экологик хавфларни камайтириш, жарималарнинг олдини олиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

5. Баҳолашга имкон берадиган бошқа маълумотлар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни баҳолашга имкон берадиган бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

6. Хулоса

Таҳлил натижаларига кўра, экологик аудит соҳасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ЎРҚ-678-сон Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 402-сон қарори билан шакллантирилган. Экологик аудитнинг ихтиёрий ва мажбурий шакллари, аудиторлар малакасини тасдиқлаш, аудиторлар ҳамда аудиторлик ташкилотлари реестрларини юритиш, аудиторлик ташкилотига қўйиладиган талаблар ва экологик аудит хулосасининг ҳуқуқий мазмуни белгиланган.

Аниқланган ҳолатлар тартибга солиш усулининг ҳуқуқий жиҳатдан ишламаслигини эмас, уни амалиётга татбиқ этиш, манфаатдор субъектларни хабардор қилиш, мутахассисларни тайёрлаш, давлат органлари ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш ва миллий стандартларни қабул қилиш ишларини жадаллаштириш заруратини кўрсатади.

Шу муносабат билан Қонуннинг асосий талабларини қисқартириш, экологик аудиторлар сонига қўйилган минимал талабни пасайтириш ёки профессионал жавобгарлик суғуртасини бекор қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Аввало амалдаги ҳуқуқий механизмларни тўлиқ ишга тушириш, 234-сон қарор билан белгиланган экологик таъсир тоифалари асосида мажбурий аудит субъектларини аниқлаш бўйича идоралараро тартибни белгилаш, ЯИДХПдаги маълумотларни янгилаш ва миллий стандартни тасдиқлаш чораларини кўриш лозим.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилдаги ЎРҚ-800-сон “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 мартдаги 177-сон қарорига мавжуд

муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд.

Таҳлил натижалари асосида экологик аудит соҳасини самарали жорий этиш мақсадида қуйидагилар **таклиф этилади:**

1) ЎРҚ-678-сон Қонуннинг 5-моддасида экологик аудит стандартлари экологик аудитни ўтказиш, турдош хизматларни кўрсатиш ва экологик аудиторлар иши сифатини назорат қилиш тартибини белгилаши, миллий стандартлар эса экологик аудиторлик фаолияти учун ягона талабларни ўрнатиши назарда тутилган. Шу билан бирга, шартномага мувофиқ халқаро экологик аудит стандартларини қўллаш имконияти ҳам берилган.

“Стандартлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-800-сон Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 177-сон қарори миллий стандартларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказишнинг умумий ҳукуқий тартибини белгилайди. Аммо Миллий стандартни ишлаб чиқиш жараёнида фақат ихтиёрий равишда қўлланилиши таъкидланмокда, бу эса ЎРҚ-678-сон Қонунда белгиланган мажбурий ва ихтиёрийга экологик аудит ўтказиш талабларига зид булмокда;

2) Экологик аудит бир вақтнинг ўзида ҳаво, сув, ер, чиқиндилар, биологик ресурслар, технологик жараёнлар ва экологик бошқарув тизимини баҳолашни қамраб олиши мумкин. ЎРҚ-678-сон Қонуннинг 6-моддасидаги вазифалар кўп тармоқли ва комплекс хусусиятга эга. Шу сабабли экологик аудиторлик ташкилоти штатида камида тўрт нафар сертификатланган аудитор бўлиши талаби аудитнинг сифатли, холис ва узлуксиз ўтказилишини таъминлашга қаратилган кафолат сифатида баҳоланиши лозим.

Мазкур талабни бир ёки икки нафар аудиторгача камайтириш манфаатлар тўқнашуви, аудит қамровининг чекланиши, мутахассис йўқлигида ишнинг тўхтаб қолиши ва хулоса сифати пасайиши хавфини ошириши мумкин.

3) Экологик аудит талабларининг бажарилишини таъминлаш фақат алоҳида маъмурий жарима мавжудлиги билан чекланмайди. ЎРҚ-678-сон Қонуннинг 18-моддаси экологик аудит субъектига аудит ўтказиш учун шароит яратиш, технологик ускуналар ва ҳудудни кўздан кечириш имконини бериш ҳамда аудит давомида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юклайди. Қонуннинг 7-моддасига кўра, номувофиқлик аниқланган тақдирда субъект бир ой муддатда қонунбузилишларни бартараф этиши шарт.

Бундан ташқари, экологик аудит экологик назоратни алмаштирмайди. Экологик назорат тўғрисидаги қонунчилик, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги махсус нормалар асосида давлат назорати ва жавобгарлик чоралари мустақил равишда қўлланилади. Шу сабабли алоҳида санкция масаласи бутун механизмни “ишламайди” деб баҳолаш учун етарли асос эмас.

4) Экологик аудит бир вақтнинг ўзида ҳаво, сув, ер, чиқиндилар, биологик ресурслар, технологик жараёнлар ва экологик бошқарув тизимини баҳолашни қамраб олиши мумкин. ЎРҚ-678-сон Қонуннинг 6-моддасидаги вазифалар кўп тармоқли ва комплекс хусусиятга эга. Шу сабабли экологик аудиторлик ташкилоти штатида камида тўрт нафар сертификатланган аудитор бўлиши талаби аудитнинг сифатли, холис ва узлуксиз ўтказилишини таъминлашга қаратилган кафолат сифатида баҳоланиши лозим.

Мазкур талабни бир ёки икки нафар аудиторгача камайитириш манфаатлар тўқнашуви, аудит қамровининг чекланиши, мутахассис йўқлигида ишнинг тўхтаб қолиши ва хулоса сифати пасайиши хавфини ошириши мумкин. Шунинг учун бу талабнинг ўзини экологик аудиторлик ташкилотлари ташкил этилмаслигининг ягона ёки асосий сабаби деб кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас.

5) Экологик аудиторларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш экологик аудит фаолиятининг ташкилий-таъминот механизмларидан бири ҳисобланади. Мазкур масалалар, одатда, қонун даражасида батафсил тартибга солинмайди, балки ваколатли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, касбий стандартлар, малака талаблари ҳамда таълим дастурлари орқали босқичма-босқич шакллантирилади.

Маълумот учун: Ҳозирда 55 нафар экологик аудиторлар ўқитилиб тайёрланди ва тегишли дипломлар берилди.

Экологик аудит нисбатан янги фаолият йўналиши бўлганлиги сабабли ушбу соҳада ягона ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, малака ошириш тизимини йўлга қўйиш ва узлуксиз касбий ривожланиш механизмларини жорий этиш амалиёт ривожланиши билан узвий боғлиқ жараён ҳисобланади. Бундай механизмларнинг босқичма-босқич шакллантирилиши халқаро тажрибада ҳам қўлланиладиган ёндашувдир.

Даврий қайта сертификатлаш, узлуксиз касбий ривожланиш (Continuous Professional Development – CPD) ҳамда стандартлаштирилган ўқув дастурларини жорий этиш экологик аудит хизматлари сифатини оширишга хизмат қиладиган муҳим институтлар ҳисобланади. Бироқ уларнинг алоҳида тартибга солинмаганлиги экологик аудит тўғрисидаги қонуннинг ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслигини англатмайди. Аксинча, мазкур масалалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланадиган малака талаблари, сертификатлаш тартиби ва касбий стандартлар орқали тартибга солиниши ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётига тўлиқ мос келади.

Экологик аудиторларни тайёрлаш ва уларнинг касбий малакасини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳолат экологик аудит институтининг ҳуқуқий асослари самарасизлигини эмас, балки унинг институционал ривожланишининг навбатдаги босқичини ифодалайди. Келгусида ягона ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, узлуксиз касбий ривожланиш тизимини жорий этиш ҳамда даврий қайта сертификатлаш механизмларини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш экологик аудит хизматлари сифатини ва ушбу институтнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.